

ЎҚУВЧИЛАРДА ОДОБ-АХЛОҚ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБ ВА ОИЛАНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Юсупов М.М

Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси

Ҳайдарова М.Қ

БТ ф-т 2-босқич талабаси

Журамирзаева М.И

БТ ф-т 2-босқич талабаси

Аннотация. Мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда узлуксиз педагогик амалиётнинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг шаклланишида мазкур амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ўқув амалиёт, касбий компетентлик, услубий таъминот, интеграция.

Жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда оила ва мактабнинг ўзаро таъсири муаммосини биринчи қаторга чиқарди. Барча даврларда мактаб ва оила ҳамкорлиги долзарб саналиб матбуотда, радио ва телевиденияда ёритиб келинган. Фарб давлатларида оила инқирози рўй бераётган бир паллада мамлакатимиз бу масалага жуда катта аҳамият бераётганлигини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Жаҳоннинг ҳеч бир давлатида оила ва унинг муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш бу қадар кенг қамровли амалга оширилмаган. Шу ўринда давлатимиз мустақилликка эришгандан бунён бир қатор йиллар (1998 йил - “Оила йили”, 1999 йил - “Аёллар йили”, 2000 йил - “Она ва бола йили”, 2002 йил – “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йил – “Обод маҳалла йили”, 2004 йил - “Меҳр-мурувват йили”, 2005 йил -“Сихат-саломатлик йили”, 2006 йил -“Хомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил - “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил –“Ёшлар йили”, 2010 йил - “Баркамол авлод йили”, 2012 йил - “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил - “Обод турмуш йили”) оила муаммосига бағишланди.

Оила бу “боланинг шахс сифатида шаклланадиган асосий бўғини ҳисобланади. Ёшлиқдан болага нимани сингдирилса, бу унинг келажагига шубҳасиз ўз таъсирини кўрсатади”. Бола ҳуқуқлари конвенциясида айтилишича: “Бола тўлақонли ва баркамол шахс бўлиб улғайиши учун унга оилавий муҳитидаги бахт, эътибор, меҳр ва ўзаро бир-бирини тушуниш зарур бўлади”. Болалик чоғида оиласида нимани шакллантирса, бу унинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Оилада боланинг шахс сифатида шаклланиши учун асос қўйилади ва мактабни тугатиш пайтида у аллақачон шахс сифатида шаклланиб улгиради.

Боланинг тарбияси оиладан бошланиб, ота-она болада умуминсоний, ахлоқий, маданий қадриятларни шаклантирмаса, бу борада мактаб билан узвий алоқа ўрнатмаса тарбиядаги муаммолар ўз вақтида ечим топмайди ва унинг самарадорлиги паст даражада бўлади. Бола тарбиясида оиланинг манфаатдорлигини ошириш педагогика фани ва амалиётдан ҳар бир оилани зарурий услубий таъминот, педагогик-психологик қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш борасида умумтаълим мактаблари олиб бораётган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд оила ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик етарли бўлмай, тарбия мазмуни, методи ва шакллари қайта кўриб чиқиш в такомиллаштири зарурлигини кўрсатмоқда. Бола тарбияси муаммолари бир қатор маҳаллий ва ҳорижий педагог ва психологлар томонидан тадқиқ этиб ўрганиб келинмоқда: М. Иномова, М. Қурононов, Шодмонова Ш., Хошимова М., Файзуллаева Н., П. П. Блонский, А. Я. Варга, П. Ф. Вирениус, Л. С. Выготский, Т. П. Гаврилова, А. И. Захаров в.б.

Бугунги кун таълим муассасаларида юзага келган шароитларни таҳлил этган ҳолда қуйидаги зиддиятлар борлиги аниқланди:

- оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизимини ташкил этиш зарурати билан ДТС талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилиш учун педагогик шарт-шароитларнинг етарлича аниқланмаганлиги ва тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;

- болаларни тарбиялашда оиланинг имкониятлари ва умумий таълим муассасасида болаларни тарбиялашда оиланинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун мактабнинг ўқув дастурлари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги.

Замонавий таълим тизимида мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги бўйича қуйидаги долзарб йўналишлар аниқланган:

- ўзаро ҳамкорликнинг юқори сифатли натижасига эришиш учун оила ва мактабнинг яқин интеграцияси муҳимлигини англаш;

- замонавий педагогика фани тамойиллари ва қоидаларига таянган ҳолда психологик ва педагогик ҳамкорликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

- оила ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликнинг фаолият тизимларини ишлаш қонуниятлари асосида ишлайдиган ижтимоий-фаолият тизими сифатида кўриб чиқиш;

- мактаб ва оиланинг педагогик ҳамкорлик тизимини самарали бошқариш назариясини ишлаб чиқиш;

- ҳозирги кунда оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг тизимли-фаол ёндашувни асослаш.

Оилада барқарорлик ва бола ривожланишининг асосий шarti - ота-оналарнинг фарзанди таҳсил олаётган мактаб жамоаси билан ҳамкорлигидур. Бу ҳолатда синф раҳбарининг асосий вазифаси боланинг ота-онаси билан бўлажак шахсни тўғри фаолият турига йўналтириш, минимал психологик таъсирлар билан ривожлантириш

ва уларни шакллантиришга ёрдам берадиган йўллари излашдир. Замонавий шароитда таълим тизимини яратиш, тарбия тизимини шакллантириш, ота-оналар томонидан тарбиявий жараён тушунчасини шакллантириш, маънавий-маърифий ишлар бўйича уларни жалб этиш керак. Кенг қўлланиладиган ота-оналар билан ҳамкорлик тури бу ота-оналар йиғилиши, психолог ва педагоглар билан консультациялар ҳисобланади. Бугунги кунда бу ҳамкорлик турлари ўз самарасини бериб келмоқда ва тарбия даражасини янги босқичга олиб чиқмоқда. Ота-оналар билан ишлашнинг мақсади – ягона педагогик нуқтаи назар асосида ота-оналар билан бола тарбияси масаласида биргаликда ҳамкорлик йўлга қўйишдир.

Асосий вазифалар:

- ота-оналарни тарбия ишлари соҳасида ҳамкорликка жалб этиш ;
- ота-оналарнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- оиладаги тарбияда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш;
- ота-оналар тарафидан мактабга маънавий-маърифий ёрдам ёрдам кўрсатишларини қўллаб-қувватлаш;
- мактаб билан биргаликда болаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш ишларини олиб бориш;
- боланинг оилада ва мактабда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишларини олиб бориш.

Синф раҳбари ҳар бир ўқувчининг оиласини ўрганиш учун анкета юритади ва ота-она билан суҳбат давомида тўлдириб боради. Ота-оналар билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг самарали йўли - бу бир ойда ёки чоракда бир марта ўтказиладиган (синфнинг ўзига хос хусусиятларини , ўқучиларнинг ёш) ота-оналар мажлиси ҳисобланади. Синф раҳбари ота-оналарнинг ёрдамчиси ва яхши маслаҳатчисига айланиши, болалар ва ота-оналар жамоасида меҳр ва ишонч муҳитни яратиши, ота-оналарга ўз фарзандларини тарбиялашда, тажриба орттиришларига ёрдам бериб бориши лозим. Ўқувчилар ота-оналари билан ўзаро муносабатларнинг самарали бўлишини таъминлаш учун ўқитувчи барча чораларни аниқ ва узлуксиз олиб бориши лозим. Ўқитувчи фаолиятининг асосида олий бош қадрият бўлган инсон ётади. Ишни ягона тарбия майдонини, ижтимоий муҳитни яратишдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим жараёнида қулай муҳит яратиш учун барча таълим субъектлари иштирок этиши назарда тутилади:

- ДТСни жорий этиш бўйича моддий-техника таъминотини такомиллаштиришда иштирок этиш, фан дастурлари, зарурий ўқув материалларини таъминоти ва уларнинг қўлланилиш сифатини мониторинг қилиб бориш;

- Кўп сонли ахборот оқими билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш, янги замонавий техника ва ахборот-коммуникацион технологиялар билан ишлай олиш малакалари в.б.

Йилдан-йил ахборот оқими шу даражада ортиб бормоқдаки, бу бола тарбиясида педагоглар ва ота-оналарнинг имкониятларини кенгайтимоқда. АКТ ёрдамида педагоглар ота-оналар билан ишлаш шакллари кенгайтиришлари мукин, бу эса ўз ўрнида иш сифатини оширишга ёрдам беради. Интернет тармоғига уланганлик, электрон манзил – бу ота –оналар билан мулоқот қилишнинг қулай йўли ҳисобланади. Бундай алоқанинг яхши томони маълумотларнинг махфийлиги ва мақсадлилиги, зарур маълумотларни тезкор узатиш ва ота-оналар учун ўз вақтида фикр-мулоҳазалар билдиришлари ҳисобланади..

Шундай қилиб, тарбияга инновацион ёндошувлар ота-оналарга кучли таъсир этиб уларнинг педагогларга муносабатларини ўзгартиради ва бола тарбиясида маъсулиятларини оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАТИЁТЛАР;

1. Авлоний Абдулла. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ // Танланган асарлар. 2 томлик. 2-том. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 34-92-б.

2. Болаларни оилага қабул қилиш ва унинг ижтимоийлашувини амалга ошириш бўйича йўл-йўриқлар. Услубий қўлланма. – Т.: Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. – 113 б.

3. Болалар руҳиятига психологик-педагогик ёндашиш йўллари (болалардаги психологик муаммолар ва уларни бартараф этишда мутахассис маслаҳати). Услубий қўлланма. – Т.: Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. – 152 б

4. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1999. – 152- б.

5. Иномова М. О. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий кадрлардан фойдаланишнинг педагогик асослари. Пед.фан.док. ... дис. қўлёзмаси. – Тошкент, 1998. –

6. Иномова М. О. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: 2000. – Б. 15.

7. Инаков Қ. Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш. – Н.: Нам ДУ, 2019, -134

8. Куронов М. Болам бахтли булсин, десангиз... - Т.: «Маънавият», 2013.

9. Umidjon, A., & Oghiloy, M. (2023). SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASES OF ORGANIZING EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 3(29), 332-337.

10. Umidjon, A., & Sevara, U. (2023). EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM IN THE PROCESS OF CLASSROOM AND

EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES, 2(24), 255-259.

11. Umidjon, A., & Shokhista, M. (2023). THE NATURE AND TASKS OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(20), 232-237.

12. Абдурахманов, У., Тошматова, О., & Мелиева, Х. (2022). Umumta'lim maktablarida matematika fanini o'qitishning zamonaviy didaktik vositalari va muammoli ta'lim texnologiyasi. Общество и инновации, 3(3/S), 231-238.

13. Sh, A. U. (2022). The main approaches to the formation of the control action in younger schoolchildren in the process of teaching mathematics. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 142-150.

14. Shoqosim o'g'li, A. U., Xafizaliyevna, M. X., & To'lqinjon, G. O. (2022). MODERN DIDACTIC MEANS OF TEACHING MATHEMATICS IN SECONDARY SCHOOLS AND PROBLEM EDUCATIONAL TECHNOLOGY. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(4), 460-467.

15. Абдурахмонов, У. Ш. (2022, December). О ПОСТАНОВКЕ И ИССЛЕДОВАНИЮ ОДНОЙ КРАЕВОЙ ЗАДАЧИ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ С ТРЕМЯ ЛИНИЯМИ ИЗМЕНЕНИЯ ТИПА. In E Conference Zone (pp. 118-121).

16. Абдурахмонов, У. Ш. (2022). О КРАЕВОЙ ЗАДАЧЕ ДЛЯ УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА ПАРАБОЛО-ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО ТИПА В ТРЕУГОЛЬНОЙ ОБЛАСТИ. Conferencea, 202-206.

17. Abdurahmonov, U. (2022). FUNKSIYA HOSILASI GEOMETRIK VA MEKANIK MA'NOLARI. Журнал интегрированного образования и исследований, 1(6), 135-138.

18. Abdurahmonov, U. (2022). EKSTREMAL MASALALARNI YECHISHDA TENGSIZLIKLAR USULIDAN FOYDALANISH. Eurasian Journal of Academic Research, 2(12), 1239-1242.

19. Shoqosim o'g'li, A. U., Rahimovna, T. O. R., Mamasiddiqovna, A. N., Mamasoliyevich, T. R., & Roxataliyevna, A. N. (2022). Technologies For Improving The Quality Of Educational Results Of Schoolchildren By Developing A Personalized Model Of Teaching Mathematics Through Interactive Stories. Journal of Positive School Psychology, 6(11), 1354-1365.

20. Shoqosim o'g'li, A. U. (2022). The importance of didactic games in teaching mathematics in secondary schools. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(6), 1566-1570.

21. Abdurahmanov, U. S. (2023). Application of Modern Information Technologies in Teaching Mathematics in General Education Schools. *INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION*, 2(3), 20-24.
22. Abduraxmonov, U. S., & No'monova, D. (2023). UMUMTA'LIM MAKTABLARI MATEMATIKA DARSLARIDA ZAMONAVIY DIDAKTIK VOSITALARINING QO 'LLANILISHI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(9), 160-165.
23. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Technology of Critical Thinking in Russian Language and Literature Lessons in 5-6 Grades. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 64-68.
24. Abdurakhmonovich, S. A. (2022). Informative-Target Analysis. *Middle European Scientific Bulletin*, 22, 69-71.
25. Isroilova, G., & Abdurahimov, S. (2021, December). The socio-political activity of the youth of Uzbekistan. In *International conference on multidisciplinary research and innovative technologies (Vol. 2, pp. 231-235)*.
26. Абдурахимов, Ш. А., Файзрахманова, А. А., & Шанина, Ю. А. (2020). ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧИТЕЛЯ-СЛОВЕСНИКА. In *Система непрерывного филологического образования: школа–колледж–вуз. Современные подходы к преподаванию дисциплин филологического цикла в условиях полилингвального образования (pp. 2-8)*.
27. Абдурахимов, Ш. А. (2022, December). АНАЛИЗ ВИДОВ ЛЕКЦИЙ И ТЕХНОЛОГИЙ ОРГАНИЗАЦИИ НА ЭТАПАХ ОБУЧЕНИЯ. In *E Conference Zone (pp. 34-41)*.
28. Sh, A. (2022). ISSUES OF FORMATION OF THE CENTER FOR MASTERING FOREIGN EDUCATIONAL PROGRAMS THAT FORM CIVIL EDUCATION IN STUDENTS IN THE SYSTEM OF PRIMARY EDUCATION IN UZBEKISTAN. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
29. Sh, A. (2022). SOCIAL ORIENTATION AND INTEGRITY OF EDUCATION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, 11(09), 234-237.
30. Shokosim, A. (2022). THE ROLE OF THE FAMILY IN RAISING A HEALTHY GENERATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1113-1116.
31. Shokosim, A. (2022). PSYCHOLOGY OF FAMILY AND FAMILY RELATIONS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 1284-1287.